

## XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.


*Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш - Миллий ҳисоблар тизимишинг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган идоралараро методик қўлланма асосида амалга оширилади.*

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Давлат статистика ҳисботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танлама кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солик қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солик тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотларидан фойдаланилади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадлари 251,8 трлн. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 107,1% реал ўсиш суръатига эришилди. Аҳоли жон бошига умумий даромадлари эса 7517,7 минг сўмни, реал ўсиш суръати 105,2% ни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари

(2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)




Аҳолининг умумий даромадлари нафақат ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан олган даромадлари, балки мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулқдан олинган даромадлар (фоизлар, дивиденdlар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкий даромадлар), трансферлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансферлар) дан иборат.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида  
аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан  
ўсиш суръати**

	<b>Жамига нисбатан фоизда</b>		<b>2019 йил январь- сентябрь 2018 йил январь- сентябрга нисбатан, фоизда</b>
	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	
<b>Умумий даромадлар - жами (I+II)</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>122,3</b>
I. Бирламчи даромадлар	76,0	74,9	120,6
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	72,9	71,5	119,9
I.1.1. Мехнат фаолиятидан олинган даромадлар	71,0	69,5	119,8
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	25,6	26,9	128,6
I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	45,4	42,6	114,8
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	1,9	2,0	124,3
I.2. Мол-мулқдан олинган даромадлар	3,1	3,4	136,1
II. Трансферлардан даромадлар	24,0	25,1	127,6
Умумий даромадлар таркибидан, кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар	62,9	60,2	117,0

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг 74,9 %ини бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса 25,1% трансферлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

### 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби




- Трансфердан даромадлар
- Бирламчи даромадлар
- Ёлланма ишчиларнинг даромадлари
- Мол-мулқдан олинган даромадлар
- Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар
- Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 69,5%) шаклланди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,0%, мол-мулқдан олинган даромадларнинг улуши 3,4%, трансферлардан олинган даромадлар улуши 25,1% ни ташкил қилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича  
ахоли умумий даромадлари таркиби**

(жасами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, %)



■ меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар

■ шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулқдан олинган даромадлар

■ трансфертлардан даромадлар


Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибидаги меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (83,4%) кузатилди. Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, вилоятлари ҳамда Қорақалпогистон Республикасида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича ахоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулқдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 17,0% ни ташкил этган.

Шунингдек, трансферлардан олинган даромадларнинг улуши Хоразм вилоятида ахоли умумий даромадларига нисбатан 30% дан юқорини ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, 13,7% ни ташкил этди.

Мехнат фаолиятидан олинган даромадларнинг манбаларидан бири - бу мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадларнинг улуши 42,6% ни ташкил этди.


### **Ҳудудлар бўйича ахоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши, %**



Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши турлича: 16,1% дан (Тошкент шаҳрида) 58,8% гача (Жиззах вилоятида) ўзгариб туради.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,45% га ўсишига олиб келди.


**Худудлар бўйича мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсишининг ахоли умумий даромадлари хажмининг ўсишига таъсири, %**



Масалан, Жиззах вилоятида ахоли умумий даромадлари таркибида мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуси 58,8% ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 115,9% ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилояти ахоли умумий даромадларининг 9,8% га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Сурхондарё вилоятида 51,4% улуш ва 113,4% ўсиш суръати, ахоли умумий даромадларининг 7,3% га ўсишини таъминлаб берди.

## Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, %




Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Самарқанд (11,7%), Андижон (9,8%) ва Тошкент (9,4%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё вилояти (2,6%), Қарақалпогистон Республикаси (3,1%) ҳамда Навоий (4,7%) вилояти ҳисобланади.

Мехнат фаолиятидан олинган даромадларнинг кейинги манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ахоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 26,9% ни ташкил қилди.

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати 128,6% ни ташкил этиб, ахоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг 7,3% ўсишини таъминлади.

Худудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари турлича бўлиб, 17,9% дан (Самарқанд вилоятида) 45,4% гача (Тошкент шахрида) ўзгариб туради.


### **Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, %**



Ҳудудлар бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, Тошкент шахри, Навоий вилояти, Қарақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида ёлланма ишчилар даромадларининг ахоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириши тўғрисида»ги ПФ-5765-сон Фармонига мувофиқ, 2019 йилнинг 1 августидан бошлиб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилди.


**2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича ёлланма ишчилар  
даромадларининг ўсиш суръати**  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, %)



Ёлланма ишчилар даромадларининг энг юқори ўсиш суръати Жиззах (132,6%) ва Наманган вилоятларида (132,3%) қайд этилди.

Масалан, Тошкент шаҳрида ахоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 45,4% ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 128,8% ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларниң ўзи шаҳар ахолиси умумий даромадларининг 13,2% га ўсишини таъминлаб берди.

**Ёлланма ишчилар даромадларининг ахоли умумий даромадларига таъсири, %**




Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 39,4% ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 131,5% ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи вилоят аҳолиси умумий даромадларининг 11,7% га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Қорақалпоғистон Республикасида эса 32,9% улуш ва 128,1% ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 8,8% га ўсишини таъминлаб берди.

Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири мол-мулқдан олинган даромадлар бўлиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ушбу даромад манбанинг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4% пунктга ошди.

Мол-мулқдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкий даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 64,4% ни ташкил қилди. Кейинги ўринларда дивиденdlар – 22,3%, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳаки – 13,3% ни ташкил қилди.

#### **Мол-мулқдан олинган даромадлар таркиби, %**



Бошқа мулкий даромадларга корхона ва ташкилотлар томонидан иш ҳаки, дивиденд ва фоизлардан ташқари жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлари киради. Шунингдек, мазкур даромадларга рента ва тадбиркор (хусусий корхонанинг мулкий эгаси ёки фермер хўжалигининг раҳбари) ихтиёрига (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг) ҳисобланган фойда ҳам киради.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига аҳоли умумий даромадлари таркибида жами мол-мулқдан олинган даромадларнинг улуши 3,4% ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулқдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Жорий даврда мол-мулқдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг атиги 1,1% ўсишини таъминлади.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига мол-мулқдан  
олинган даромадлар**

	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	100,0	136,1
Қорақалпоғистон Республикаси	1,5	140,1

*вилоятлар:*


Андижон	2,2	121,9
Бухоро	3,2	129,4
Жиззах	1,0	134,8
Қашқадарё	2,2	123,5
Навоий	1,5	121,4
Наманган	2,3	141,7
Самарқанд	4,4	134,6
Сурхондарё	1,7	130,6
Сирдарё	0,8	114,0
Тошкент	5,5	125,5
Фарғона	3,8	120,0
Хоразм	3,2	132,4
Тошкент ш.	66,7	140,4

Республика аҳолисининг мол-мулқдан олинган даромадларида ҳудудлар улуши турлича. Жорий даврда мол-мулқдан олинган даромадлар умумий ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шахри хиссасига (66,7%) тўғри келган бўлса, бошқа ҳудудларнинг улуши анча паст кўрсаткични қайд этди.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтиомий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотларига кўра трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 127,6% ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида транфертлардан олинган даромадларнинг улуши 1,1% пунктга ошди ва 25,1% ни ташкил этди.

#### Ижтиомий трансфертлар таркиби, %




Кузатилаётган даврда ижтиомий трансфертларнинг ўсиш суръати 131,3% ни ташкил этди ва бунга ижтиомий трансфертлар таркибида 82,6% улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

2018 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 129,7% ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафака ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 2,9% га ўсиш имконини берди.

Ижтиомий трансфертларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Тошкент шахри (134,2%) ҳамда Сирдарё (133,1%), Тошкент (133,0%), Қашқадарё (132,6%) ва Жиззах (132,4%) вилоятларида республика даражасидан юкори ўсиш суръатлари қайд этилди.

## **Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, %**



Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг учдан бир кисми (35,2%) Тошкент шаҳри (13,8%), Тошкент (10,9%) ва Фарғона вилоятлари (10,5%) хиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳрида ушбу даромад манбайнинг ўсиш суръати 135,2% ни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида 132,6% ва Фарғона вилоятида эса 128,1% ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 13,3% бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 144,0% га ўсиш суръати Бухоро вилоятида (150,2%) кузатилди. Шунингдек, Андижон (149,0%), Жиззах ва Сурхондарё (146,3%), Наманганд (145,7%), Фарғона (145,3%) ва Қашқадарё (145,0%) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръати қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида стипендиялар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 125,3% га ўсиш суръати, ижтимоий трансфертлар таркибидаги улуши эса 4,1% ни ташкил этди.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириши тўғрисида”ги №ПФ-5765 сонли Фармонига мувофиқ, 2019 йилнинг 1 августдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилиб, республика бўйича ойлик энг кам иш ҳақи - 223 000 сўм; ёшга доир пенсиялар - 436 150 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - 436 150 сўм; зарур иши стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - 267 650 сўм миқдорида белгиланди.


**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига ижтимоий трансферларнинг  
ўсиш суръатлари (2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)**

	<i>Жами ижтимоий трансферлар</i>
Ўзбекистон Республикаси	131,3
Корақалпоғистон Республикаси	129,1
<i>вилоятлар:</i>	
Андижон	130,5
Бухоро	130,5
Жиззах	132,4
Қашқадарё	132,6
Навоий	130,9
Наманган	130,2
Самарқанд	130,9
Сурхондарё	129,3
Сирдарё	133,1
Тошкент	133,0
Фарғона	129,9
Хоразм	128,8
Тошкент ш.	134,2

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-куvvatлаш мақсадида жами 3,3 трлн.сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 52,4% бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 47,6% республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.


Ҳудудлар кесимида эса бу кўрсаткич турлича. Сурхондарё вилоятида 25,8% нафақалар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, 74,2% нафақалар республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлса, Тошкент шаҳрида жами ижтимоий нафақаларнинг 98,2% Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, 1,8% республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

**2019 йил январь-сентябрь ҳолатига худудлар бўйича ижтимоий нафақаларнинг шаклланиш манбалари, %**



Ижтимоий нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришини таҳлил қиласидиган бўлсак, деярли барча худудларда ҳар икки манба бўйича ўсиш кузатилганини кўришимиз мумкин.

**2019 йил январь-сентябрь ҳолатига худудлар кесимида ижтимоий нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўсиши**  
*(2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)*



2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари бўйича бошқа жорий трансферлар таркибида кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати 125,3% ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоиз пунктга ошди. Ушбу даромадларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадлари номинал қийматининг 3,8% га ўсишини таъминлаб берди.

**Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари хажмининг улуши, %**



Жорий даврда аҳоли умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг энг юқори улуши Хоразм вилоятида (24,4%) кузатилди.

Шунингдек, Самарқанд (20,1%), Андижон (20,0%), Сурхондарё (18,6%), Бухоро (17,8%), Наманган (17,0%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (16,1%) , Фарғона (16,1%) ва Қашқадарё (15,7%) вилоятларида республика даражасидан юқори улушни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар 7,5 млн. сўмни ташкил этди (реал ўсиши - 5,2%).

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси  
худудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий  
даромадлари хажми, минг сўм**




Аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (14,8 млн. сўм), Навоий (11,6 млн. сўм), Бухоро (9,4 млн. сўм) ва Хоразм (7,9 млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (12,2%) тўғри келди.

Шунингдек, Андижон (7,1%) ва Навоий (6,9%) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (6,6%), ҳамда Наманган (5,7%) ва Сирдарё (5,6%) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси  
худудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртacha умумий  
даромадларининг реал ўсиш суръатлари, %**



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари 220,6 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,1% га ўсади, аҳоли жон бошига эса 6587,0 минг сўмни ташкил этиб, 105,2% га ўсади.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (13024,3 минг сўм) кузатилди. Шунингдек, Навоий (10168,8 минг сўм), Бухоро (8268,5 минг сўм) ва Хоразм (6937,1 минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди.

Энг қутии кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикаси (4820,9 минг сўм), Фарғона (5107,0 минг сўм) ва Наманган (5156,3 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари  
кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари**

	<b>Жами, млрд.сўм</b>	<b>Ўтган йилнинг мос дааврига ниисбатан, %</b>	<b>Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм</b>	<b>Ўтган йилнинг мос дааврига ниисбатан, %</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>220 597,8</b>	<b>107,1</b>	<b>6 587,0</b>	<b>105,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	9 062,3	108,2	4 820,9	106,6

*вилоятлар:*

Андижон	19 334,2	109,1	6 260,1	107,1
Бухоро	15 754,8	103,5	8 268,5	101,9
Жиззах	7 860,6	106,1	5 765,5	103,9
Қашқадарё	18 424,4	106,6	5 691,5	104,5
Навоий	10 026,4	108,8	10 168,8	106,9
Наманган	14 304,5	107,8	5 156,3	105,7
Самарқанд	22 278,3	103,9	5 819,8	101,8
Сурхондарё	14 787,8	107,2	5 707,2	104,8
Сирдарё	5 152,0	107,5	6 164,1	105,6
Тошкент	19 020,2	104,7	6 527,0	103,3
Фарғона	18 937,1	104,1	5 107,0	102,3
Хоразм	12 805,8	104,8	6 937,1	103,0
Тошкент ш.	32 982,6	114,5	13 024,3	112,2

2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 234,3 трлн. сўмни (реал ўсиш суръати –107,7%), аҳоли жон бошига ихтиёридаги даромад эса 6995,2 минг сўмни (реал ўсиш суръати –105,7%) ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига аҳоли ихтиёридаги  
умумий даромадлари**

	<i>Жами, млрд.сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	234 269,4	100,0
Корақалпогистон Республикаси	9 568,2	4,1
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	20 879,5	8,9
Бухоро	17 055,8	7,3
Жиззах	8 587,0	3,7
Қашқадарё	20 066,5	8,6
Навоий	10 738,5	4,6
Наманган	15 344,7	6,6
Самарқанд	24 546,5	10,5
Сурхондарё	16 069,2	6,9
Сирдарё	5 533,3	2,4
Тошкент	20 407,7	8,7
Фарғона	20 311,6	8,7
Хоразм	14 035,5	6,0
Тошкент ш.	31 123,4	13,3

Аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг асосий улуси Тошкент шаҳри (13,3%), Самарқанд (10,5 %), Андижон (8.9%), Тошкент ва Фарғона (8,7%) вилоятлари хиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё (2,4%) ва Жиззах (3,7%) вилоятлари хисобланади.

### **Жами аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларда ҳудудларнинг улуси, %**



Ҳудудлар бўйича таҳлил қиласидан бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (12290,1 минг сўм) ҳамда Навоий (10891,0 минг сўм), Бухоро (8951,3 минг сўм), Хоразм (7603,2 минг сўм) ва Тошкент (7003,1 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Энг паст кўрсаткичлар эса Қорақалпоғистон Республикаси (5090,0 минг сўм), Фарғона (5477,6 минг сўм) ва Наманган вилоятларида (5531,2 минг сўм) кузатилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида худудлар бўйича аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлари ва реал ўсиш суръатлари**


	<i>Аҳоли жон бошига, минг сўмда</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	6 995,2	105,7
Қорақалпоғистон Республикаси	5 090,0	107,1

*вилоятлар:*

Андижон	6 760,4	107,2
Бухоро	8 951,3	101,8
Жиззах	6 298,3	103,5
Қашқадарё	6 198,7	104,6
Навоий	10 891,0	107,9
Наманган	5 531,2	104,8
Самарқанд	6 412,4	101,5
Сурхондарё	6 201,7	105,0
Сирдарё	6 620,4	105,4
Тошкент	7 003,1	104,1
Фарғона	5 477,6	101,4
Хоразм	7 603,2	103,4
Тошкент ш.	12 290,1	118,3

Аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (118,3%) қайд этилди. Шунингдек, Навоий (107,9%), Андижон (107,2%) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (107,1%) аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.


**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий  
даромадларнинг реал ўсиш суръатлари  
(2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)**



2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 60,2% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва руҳсат берииш тартиб-таомилларини янада қисқартириши ва соддалаштириши, шунингдек, бизнес юритилиши шарт-шароитларини яхшилаши чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сон Фармонига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

## Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуси, %



Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (70,0%), Бухоро (66,3%) ва Сурхондарё (65,6%) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Аҳолининг умумий даромадлари** - доимий ёки тақорорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

**Аҳоли бирламчи даромадлари** ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

**Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга** меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

**Меҳнат фаолиятидан олинган даромад** ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

**Ёлланма ишчиларнинг даромади** – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган холда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад** - мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

**Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга** бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

**Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулкий даромадлар)** деганда мулкий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

**Фоизлар** – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қофозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлари.

**Дивиденdlар** – сармоядор (жисмоний шахс) нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

**Муаллифлик ҳақи** – яратилган адабий асарлар, ихтиrolар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

**Рента** – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

**Трансферлар** - бу уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликлидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

**Пенсиялар** – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, бокувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича муентазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Нафақалар** – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат кобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий ахвол, болали оилаларни кўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда муентазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари;

**Стипендия** – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўкув грантлари.

**Бошқа жорий трансферларга** уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (муентазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан муентазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансферлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

**Аҳоли ихтиёридаги даромад** - умумий даромаддан тўғри соликларни (уларнинг қайтарилишини хисобга олган ҳолда), мажбурий йигимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.